2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 19 (1080), 2024 йил 26 январь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ МУНОСАБАТЛАР ИККИ ТОМОНЛАМА САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 23-25 январь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.**






Давлатимиз раҳбари 25 январь куни Шэньчжэнь шаҳрида Гуандун музофоти партия қўмитаси котиби Хуан Куньмин билан учрашув ўтказди.



Гуандун — Хитойнинг энг ривожланган ҳудудларидан бўлиб, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг қарийб 10 фоизини шакллантиради ва бу кўрсаткич бўйича етакчилик қилади. Музофот Ўзбекистон ҳудудларининг энг йирик иқтисодий шеригидир.

Учрашувда музофот билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни, энг аввало, юқори технологик тармоқларда кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Куни кеча ХХР Раиси Си Цзиньпин билан сермаҳсул музокаралар ўтказилгани, улар доирасида ҳудудлараро алоқаларни янада кенгайтириш масаласи қўллаб-қувватлангани мамнуният билан қайд этилди.

Саноат кооперациясини чуқурлаштириш, шу жумладан, Гуандуннинг етакчи компаниялари учун мамлакатимиз ҳудудларида ихтисослаштирилган юқори технологик парклар ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

24 январь куни бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувда ташкил этилиши келишиб олинган Ўзбекистон ва Хитой ҳудудлари кенгаши фаолиятида Гуандун муҳим ўрни тутиши таъкидланди.

Музофот ҳудудида жойлашган "Huawei", "BYD", "ZTE" ва бошқа илғор компаниялар билан ҳамкорликни ривожлантиришдан Ўзбекистон манфаатдорлиги қайд этилди.

Гуманитар алоқалар ва ишбилармонлик алмашинувларини фаоллаштириш мақсадида IT таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш ва тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди.

Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифининг ишбилармонлик тадбирлари давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Гуандун музофоти партия қўмитаси котиби Хуан Куньмин билан биргаликда Шэньчжэнь шаҳрида ўтаётган қўшма Инвестиция форумида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йил май ойида Хитойга давлат ташрифи доирасида ҳам ушбу мамлакат ишбилармон, молия ва инвестиция доираларининг етакчи вакиллари билан учрашувлар ўтказган эди. Ўшанда эришилган муҳим келишувлар икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий шерикликни янада кенгайтирди.

Бугунги инвестиция форуми самарали мулоқотнинг давоми бўлиб, икки мамлакат идоралари ва ҳудудлари раҳбарларини, Хитой йирик бизнесининг 600 нафардан зиёд вакилини тўплади. Хитойнинг Миллий нефть-газ корпорацияси, Миллий кимё-инжиниринг компанияси, Аэрокосмик илмий-саноат корпорацияси, "China Energy", "Gezhouba Group", "China CAMC Engineering", "Huawei Technologies", "SANY Renewable Energy", "BYD Auto Industry", "Xinjiang Hualing Group", "ZTE", "TBEA", "Universal Energy" компаниялари, Хитой тараққиёт банки, Давлат тараққиёт банки, Экспорт-импорт банки шулар жумласидан.

Давлатимиз раҳбари форумни очар экан, барча иштирокчиларни самимий қутлади ва тадбир ҳақли равишда Хитойнинг инновациялар пойтахти ҳисобланган Шэньчжэнь шаҳрида ўтказилаётганида ўзига хос рамзий маъно мужассам эканини таъкидлади.

— Бугун мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли ва ўзаро манфаатли муносабатлар, биринчи навбатда, иқтисодий ҳамкорлик алоқаларидан куч олади, — деди Президент.

Куни кеча ХХР Раиси Си Цзиньпин билан самарали музокаралар ўтказилгани катта мамнуният билан қайд этилди. Эришилган натижалардан бири мамлакатларимиз бизнес вакиллари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларга қулай шароитлар яратиш бўйича келишувлар бўлди.

Қабул қилинган тарихий ҳужжат — Ўзбекистон — Хитой муносабатларини барча шароитларда ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига олиб чиқадиган давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти ҳам бунга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик жадал суръатда ўсиб, кенг кўлам касб этаётганига алоҳида эътибор қаратди.

Хусусан, кейинги йилларда ўзаро савдо ҳажми икки баробар кўпайиб, 2023 йилда рекорд кўрсаткич — 14 миллиард долларга етди. Давлатимиз раҳбари яқин йилларда, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини ўзаро етказиб беришни кенгайтириш, айрим турдаги маҳсулотлар бўйича имтиёзли савдони йўлга қўйиш тўғрисида янги ҳукуматлараро битим тузиш орқали бу кўрсаткични 20 миллиард долларга етказиш учун имконият борлигини яна бир бор қайд этди.

Хитойнинг Ўзбекистонга киритган умумий инвестициялари ҳажми 14 миллиард доллардан ошди. Хитой сармояси иштирокидаги корхоналар сони уч баробар кўпайди.

Давлатимиз раҳбари яқинда Урумчида ўтган ҳудудлараро форум ва саноат маҳсулотлари кўргазмасида муҳим инвестиция келишувлари имзоланганини юқори баҳолади.

*Давоми 2-бетда*

## Муносабат

## ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ: ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Бугун шиддатли тус олаётган геосиёсий жараёнлар ҳар бир давлатдан ташқи сиёсий ва иқтисодий майдонда фаол бўлишни талаб этмоқда. Шу маънода, янги Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг энг фаол ва ташаббускор, тенг ҳуқуқли субъекти сифатида эътироф этилмоқда. Бунинг асосий сабаби — Президентимизнинг жонажон халқимиз ва юртимиз манфаатини кўзлаган ҳолда узоқни ўйлаб, асослантирилган таҳлилларга таяниб юритаётган очиқ, прагматик, дўстона руҳдаги фаол ва тўғри ташқи сиёсати ҳисобланади.**



*Давоми 3-бетда*

## БУГУННИНГ ГАПИ

## ТОҒ-КОН САНОАТИ

### Соҳада тажриба алмашиш улкан натижалар гарови

**Хитой фойдали қазилма конларига бой мамлакатлар орасида етакчилардан. Хусусан, дунёда камёб металлар минерал хомашё базасининг каттагина қисми айнан Чин юртида жойлашган.**

*Давоми 5-бетда*

## Ислоҳот одимлари

## ИШДА ҲАМ, УЙДА ҲАМ ТЕЖАМКОРЛИК

### Унга қандай эришилади?

**Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидек, қоронғи тунимизни ёруғ қилиб, кўплаб эҳтиёжларни қондиришда фойдаланилаётган электр манбаини ҳамиша тежаб ишлатавермаймиз. Зеро, у хонадонимизга етиб келгунга қадар қанча маблағ ва ишчи кучи сарфланаётганини ҳамма ҳам билавермаса керак.**



*Давоми 4-бетда*

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларни янги лойиҳа ва ташаббусларни илгари суришга сафарбар этиш муҳимлигини қайд этиб, давлатимиз раҳбари келгуси ҳамкорликнинг устувор ва истиқболли йўналишларини кўрсатиб ўтди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 26 январь, 19-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ МУНОСАБАТЛАР ИККИ ТОМОНЛАМА САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРАДИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон томони ушбу ишбилармонлик платформасига тизимли тус бериш ва навбатдаги форумни юртимизда ўтказишга тайёрлиги билдирилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари доимий фаолият юритадиган икки мамлакат ҳудудлари кенгашини ташкил этиш бўйича режаларни олқишлади.

Маълумки, Янги Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва бозор механизмларини жорий қилиш бўйича таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Юқори технологик саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилган. Шу ойдан бошлаб “саноат ипотекаси” ишга туширилмоқда, бунда ер ва ишлаб чиқариш майдонлари “тайёр бизнес” шаклида инвесторларга берилади.

Йирик банклар, саноат ва инфратузилма объектларини хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий қилишга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларни янги лойиҳа ва ташаббусларни илгари суришга сафарбар этиш муҳимлигини қайд этиб, давлатимиз раҳбари келгуси ҳамкорликнинг устувор ва истиқболли йўналишларини кўрсатиб ўтди.

Булар — инфратузилмани ривожлантириш лойиҳаларига Хитой молия институтлари маблағларини жалб қилишнинг соддалаштирилган тартибини жорий қилган ҳолда ушбу мамлакат компаниялари билан шерикликни кенгайтириш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида, шу жумладан, стратегик хомашёни чуқур қайта ишлашда саноат кооперациясини ривожлантириш.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигини барқарор юритишда Хитойнинг илғор технологияларини жалб қилиш ҳамда ерларни қайта тиклаш ва тузга чидамли ўсимликларни экиш бўйича илмий ёндашувларини жорий қилиш.

“Яшил” энергетикада стратегик шерикликни янада илгари суриш ва Хитой компанияларининг хусусийлаштириш дастурида иштирок этиши ҳам муҳим йўналишлар сифатида қайд этилди.

Шу муносабат билан инвестиция лойиҳалари портфелини, инфратузилма ва саноат кооперациясини ривожлантириш дастурларини кенгайтириш бўйича хитойлик шериклар билан келишувларга эришилгани мамнуният билан қайд этилди.

Шунингдек, ташриф давомида Хитойнинг етакчи банклари томонидан лойиҳаларни молиялаштиришни кенгайтириш, Экспорт-импорт банки ваколатхонасини очиш ва Ипак йўли фонди билан биргаликда янги Инвестиция платформасини яратиш бўйича қабул қилинган қарорлар хитойлик ҳамкорларнинг Ўзбекистондаги муваффақиятли фаолиятига кучли суръат бағишлаши таъкидланди.

— Яна бир янгилик. Ҳар бир хитойлик ҳамкорга лойиҳалар бошидан охиригача ҳамроҳлик қилувчи инвестиция менежери тайинланади. Улар компанияларингиз лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишида янги имкониятлар яратишига қатъий ишонамиз, — деди Президент.

Гуандун музофоти партия қўмитаси котиби Хуан Куньмин ҳам форум иштирокчиларига мурожаат қилди. Президентимиз олиб бораётган ортга қайтмас ислоҳотлар сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдириб, Ўзбекистонда очилаётган катта имкониятларни қайд этди ҳамда Хитой бизнесини мамлакатимизда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга оширишда янада фаолроқ иштирок этишга чақирди.

Бизнес-форум якунида энергетика, нефть-газ, тоғ-кон, электротехника, енгил саноат, машинасозлик, инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, таълим, транспорт ва логистика соҳаларида лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳужжатларнинг катта тўплами имзоланди.

“Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, ҳар бир лойиҳага масъул менежерлар бириктирилади.

Якунда Ўзбекистон Президенти ушбу Гуандун инвестиция форумини ҳар йили ташкил этиш ташаббусини илгари суриб, унинг навбатдаги учрашувини келгуси йилда Самарқанд шаҳрида ўтказишни таклиф қилди.

Давлатимиз раҳбари Шэньчжэнь шаҳридаги тадбирлар доирасида Ипак йўли фонди раиси Чжу Цзюнь билан учрашув ўтказди.

Фонд 2014 йилда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ташаббуси билан “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси доирасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган.

Учрашувда саноат кооперацияси ва инфратузилмани ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш учун фонд билан биргаликда яратилган инвестиция платформаси имкониятларини фаол ишга солиш орқали истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги режалар кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев “SANY” компанияси директорлар кенгаши раиси Сян Вэньбони қабул қилди.

“SANY” шамол турбиналарини ишлаб чиқарувчи дунёнинг етакчи 10 та компанияси қаторига киради. Шамол энергетикаси қурилмаларини ишлаб чиқариш ва сотишга, шамол электр станцияларини лойиҳалаштириш, қуриш, ишлатиш ва бошқаришга ихтисослашган.

Учрашувда компаниянинг Қорақалпоғистон Республикасида шамол электр станциясини барпо этиш, шамол турбиналарининг бутловчи қисмларини, қурилиш ва оғир юк техникасини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш режалари қўллаб-қувватланди.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга эришилган келишувлар амалга оширилишини жадаллаштириш бўйича алоҳида “йўл харитаси”ни қабул қилишга топшириқ берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шэньчжэнь шаҳрига ташрифи доирасидаги навбатдаги учрашув “CSG” компанияси директорлар кенгаши раиси Мэн Чжэньпин билан бўлди.

Хитойнинг электр тармоқлари соҳасидаги етакчи компанияларидан бири “CSG” тармоқларни қуриш ва бошқаришга ихтисослашган. Компаниянинг бозор капиталлашуви 60 миллиард долларни ташкил этади.

Учрашувда истиқболли кооперация лойиҳаларини амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди. Хитой компанияси иштирокида лойиҳалаштириш ва инжиниринг бўйича замонавий тизимларни, энергетик хавфсизликни таъминлаш ва энергия тармоқларида йўқотишларни камайтириш бўйича юксак стандартларини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат ташрифининг ишбилармонлик дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Шэньчжэнь шаҳрида Хитойнинг етакчи “BYD” компанияси бош қароргоҳи ва технологиялар марказига ташриф буюрди.

Ушбу компания замонавий инновацион автомобиллар ва янги авлод аккумулятор батареяларини ишлаб чиқариш соҳасида глобал пешқадамдир.

Ташриф чоғида компания ютуқларига бағишланган кўргазма, автомобиллар ва бошқа турдаги техникаларнинг ишлаб чиқарилаётган ва истиқболли моделлари, компаниянинг янги технологиялари ва илғор ишланмалари намойиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари компания президенти Ван Чуаньфу билан бирга Жиззах вилоятида йилига 50 минг дона гибрид ва электр автомобилларни йиғиш бўйича лойиҳани ишга туширишга бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.

Президентимиз яқин истиқболда бозордаги талабдан келиб чиқиб, моделлар қаторини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш қувватини йилига 300 минг донагача ошириш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Шунингдек, компаниянинг мамлакатимизда “BYD” электр автобусларини йиғишни йўлга қўйиш, эҳтиёт қисмларини маҳаллийлаштириш ва муҳандислик-сервис марказларини ташкил этиш борасидаги режалари қўллаб-қувватланди.

Ташриф чоғида компания Ўзбекистонга 10 мингинчи автомобилини етказиб берганининг рамзи сифатида давлатимиз раҳбарига YANGWANG U8 автомобили ҳадя қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи якунланди.

**ЎзА**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ЕТАКЧИЛАРИНИНГ СИЁСИЙ ИРОДАСИ ВА БИРГАЛИКДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ

## икки томонлама муносабатларни барча соҳада юқори босқичга олиб чиқди

**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга уч кунлик давлат ташрифи жуда мазмунли ва самарали кечди. Хитой етакчиси Си Цзиньпин, мамлакат раҳбарияти аъзолари, молия институтлари, фондлар ва ишбилармон доиралар вакиллари билан ўтказилган учрашувлар ҳамда уларнинг натижасида эришилган келишувлар, халқаро экспертларнинг фикрича, икки давлат ўртасидаги муносабатлар фаоллашувида янги босқич бошланганидан далолат беради. Таҳлилчиларнинг айтишича, ушбу жараён Хитойнинг Марказий Осиё минтақаси ва халқаро бирлашмалар билан ўзаро ҳамкорлигига бевосита ижобий таъсир кўрсатади.**

## БИЗ ВА ДУНЁ



**Хусрав НОЗИРИЙ,**
*Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) бош котиби:*

— Ташриф доирасидаги тадбирларнинг бой ва мазмунли дастури икки давлат кўп қиррали стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришдан манфаатдор эканидан далолатдир.

Айниқса, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг юқори суръатлари, шунингдек, расмий Пекиннинг Ўзбекистон билан ИҲТнинг асосий давлати сифатида кўп томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдорлиги эътиборга молик. Хитой Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг асосий савдо шериги ҳисобланади.

Ўзбекистон Президентининг Хитойнинг етакчи компаниялари ва банк-молия институтлари раҳбарлари билан ўтказган учрашувлари икки томонлама муносабатларда улкан салоҳият ва ишбилармонлик алоқаларини ривожлантириш, ўзаро сармояларни фаоллаштириш ва савдо ҳажмини ошириш учун истиқболли имкониятлар мавжудлигидан далолат беради.

Шу нуқтаи назардан, Хитой компанияларининг юқори технологиялар, электротехника, саноат, инфратузилма ва энергетика соҳаларидаги лойиҳаларни амалга оширишдаги иштироки Ўзбекистоннинг янада ривожланишига хизмат қилишини таъкидламоқчиман.

Ўзбекистон Президентининг Хитойга давлат ташрифи икки ва кўп томонлама шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга, уни мамлакатлар ва минтақалар фаровонлиги йўлида янги амалий ташаббус ҳамда мақсадлар билан тўлдиришга хизмат қилади.

**Якопо ПЕПЕ,**
*Фан ва сиёсат фонди етакчи эксперти (Германия):*



— Хитой билан яхши муносабатлар бутун Марказий Осиё минтақаси каби Ўзбекистон учун ҳам катта аҳамиятга эга. Хитой савдо бозори, технология ва сармоя манбаи, шунингдек, муҳим ташқи сиёсат ҳамкори сифатида роль ўйнайди.

Географик яқинлик ва тобора кенгайиб бораётган инфратузилмавий ўзаро боғлиқлик Хитойнинг Ўзбекистонга, жумладан, энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги ва логистика каби соҳаларга қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради.

Пекинда етакчилар бу кўрсаткични яқин келажакда 20 миллиард долларга етказиш имконияти мавжудлиги борасида фикр билдирди. Шунингдек, Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармоялари ҳажми бир неча баробар ортди, қўшма корхоналар сони кўпаймоқда ва икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам фаоллашмоқда.

Музокараларда томонлар “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида Трансконтинентал транспорт ва транзит кўпригининг муҳим таркибий қисмига айланиши мақсад қилинган “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилишини эрта бошлаш муҳимлигини таъкидлади.

Германия, албатта, Ўзбекистон Президентининг нафақат қадимги Буюк ипак йўли бўйлаб, балки Европа ва Осиё халқлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга қаратилган транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш ташаббусларини олқишлайди.

Германия ва Европа Иттифоқи Ўзбекистонни мутаносиб ташқи сиёсат юритиш йўлида қўллаб-қувватлашга тайёр. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришни мамлакатингизга ва бутун Марказий Осиёга нисбатан ўз сиёсатини фаоллаштириш учун рағбат, деб билади.

**Станислав ПРИТЧИН,**
*Россия Фанлар академиясининг Е.М.Примаков номидаги Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институти катта илмий ходими:*

— Ўзбекистон Президентининг Хитойга давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо, алоқалар ва умуман, ўзаро ҳамкорлик жадаллиги анча тизимли ошиб бораётган бир шароитда ўтди.

Бу ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқаларни имкон қадар диверсификация қилишга ҳамда ўзаро савдони фаоллаштириш ва сармояларни жалб этишга интилаётган Ўзбекистон манфаатларини ифодалайди. Шу боис, Хитой иқтисодиётининг кўлами ва жаҳон иқтисодиётида етакчилик қилиш истиқболларини назарда тутсак, ушбу давлат билан ҳамкорлик энг устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Олий даражадаги интенсив алоқалар мунтазам равишда кечмоқда, бу эса Хитойнинг бутун Марказий Осиё минтақасига қизиқиши ва стратегик ёндашувини яна бир бор тасдиқлайди.

Умуман олганда, Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича режаларини ҳисобга олган ҳолда, ушбу жабҳа мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятида энг истиқболли йўналишлардан биридир.

**Макс СЕЙ,**
*Малайзиянинг “Kingsley Strategic Institute” директори:*

— Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг бугунги ҳолати анъанавий тарзда юксак ишонч даражаси билан ажралиб туради. Олий даражадаги мунтазам сиёсий мулоқот ва мамлакатлар ўртасида ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига эришилгани бунга ёрқин мисол.

Ўзбекистон Президентининг Хитойга давлат ташрифи якунлари бўйича савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт-логистика, илмий-техникавий ва минтақалараро ҳамкорлик соҳаларида мустаҳкам ҳужжатлар тўплами имзолангани қувонарли.

Хусусан, инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича молиявий воситаларни кенгайтириш, Тошкент шаҳрида Хитой Эксимбанкининг Марказий Осиё бўйича ҳудудий ваколатхонасини очиш ва “Ҳаво ипак йўли” лойиҳасини биргаликда барпо этишга оид келишувлар алоҳида эътиборга лойиқ.

Шубҳасиз, ташриф давомида эришилган келишувларнинг ҳаётга татбиқ этилиши икки мамлакат халқлари фаровонлиги йўлида иқтисодий ўсишни янада оширишга хизмат қилади.

> **Ўзбекистон ва Хитой раҳбарларининг сиёсий иродаси ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли икки томонлама муносабатлар барча соҳа ҳамда йўналишларда мисли кўрилмаган даражага кўтарилгани менда катта таассурот қолдирди. Ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг ўзига хос кўп босқичли тизими, жумладан, ҳукуматлараро қўмита, парламентлараро гуруҳ, ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари даражасидаги стратегик мулоқот, фаол гуманитар ва минтақалараро алмашинув каби механизмлар шакллантирилди.**

**Аҳмад ТОҲИР,**
*Мисрнинг “Ҳивор” сиёсий-ахборот тадқиқотлари маркази директори:*

— Мен халқаро масалалар бўйича мутахассис сифатида Ўзбекистоннинг, айниқса, кейинги етти йилдаги тараққиётини диққат билан кузатиб боряпман.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарларининг сиёсий иродаси ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли икки томонлама муносабатлар барча соҳа ҳамда йўналишларда мисли кўрилмаган даражага кўтарилгани менда катта таассурот қолдирди. Ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг ўзига хос кўп босқичли тизими, жумладан, ҳукуматлараро қўмита, парламентлараро гуруҳ, ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари даражасидаги



стратегик мулоқот, фаол гуманитар ва минтақалараро алмашинув каби механизмлар шакллантирилди.

Хитойнинг “Жэньминь жибао” газетасида чоп этилган “Ўзбекистон — Хитой: минг йилликларни қамраб олган дўстлик ва ҳамкорлик” сарлавҳали мақолани катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Унда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон — Хитой муносабатларини ривожлантириш бўйича ўз қарашларини баён қилган. Ўзбекистон етакчиси ушбу мақолада икки давлат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг муҳим вазифаларини амалга ошириш бўйича янги узоқ муддатли кун тартиби ва дастурларни ишлаб чиқишни таклиф қилганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ўйлайманки, Хитой билан кўп қиррали муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Ўзбекистон етакчисининг давлат ташрифи Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга туртки бўлишига ишонаман.

**Санжив ГУПТА,**
*“Kusum” компаниялар гуруҳи директори (Ҳиндистон):*

— Ўзбекистон Президентининг хорижий давлатларга сафарлари юқори амалий натижалари билан ажралиб туради. Хитойга давлат ташрифи ҳам икки мамлакат ўртасида эришилган қатор ўта муҳим келишувлар билан эътиборга сазовор бўлди.

Чоршанба куни Пекин шаҳрида имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янги босқичга олиб чиқишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Уларда ҳамкорликнинг ҳар бир жабҳаси инобатга олинган. Масалан, транспорт коммуникациялари соҳаси. Бугунги кунда дунё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар мавжуд транспорт коридорларини янада ривожлантириш ва мукаммаллаштиришни талаб этмоқда. Шу маънода, Хитой — Марказий Осиё — Европа темир йўл экспресслари бўйича ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги



баённома ва “Ҳаво ипак йўли”ни биргаликда барпо этиш тўғрисидаги келишув амалий аҳамияти билан ажралиб турибди. Ушбу ғоя ва лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ўртасидаги транспорт алоқаларини мазмунан бойитади, Ўзбекистоннинг ушбу коммуникация занжиридаги ўрни ва аҳамиятини юксалтиради.

**“Дунё” АА**




Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



Муносабат

# ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ:
# ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ



**Акбаршоҳ ТЕШАБОЕВ,**
*Давлат ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, ҳуқуқшунос-таҳлилчи*

**Ёш таҳлилчи олим сифатида айтишни истардимки, Ўзбекистон ва Хитой халқини минтақавий ва халқаро ҳамкорликни таъминлаш борасидаги муштарак интилишлар, замонлар оша сайқалланиб келаётган, синовларда тобланган дўстлик алоқалари бирлаштириб туради. Зеро, ушбу дўстлик алоқалари икки халқнинг келгуси асрларда ҳам бахтли бўлишини кафолатлаши шубҳасиз.**

Бошланиши 1-бетда

Янги Ўзбекистоннинг ташқи майдондаги фаоллиги 2024 йилнинг бошиданоқ янги босқичга, янада юқори поғонага кўтарилаётганини кўриб турибмиз. Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги стратегик муносабатлар ўзаро ишончли ҳамкорлик, дўстлик, фаол иқтисодий, инвестициявий, маданий, инновацион мулоқотлар кўринишида янада мустаҳкамланаётгани фикримиз исботидир.

Икки давлат ўртасидаги ўзаро стратегик алоқаларнинг аҳамиятини қуйидагиларда кўриш мумкин:

***биринчидан,*** **<u>ягона мақсад уйғунлиги.</u>** Янги Ўзбекистон учун ва дўст Хитой давлати учун ҳам, аввало, халқнинг эртаси, юртнинг истиқболи, ёш авлоднинг келажаги барча нарсадан устун ҳисобланади;

***иккинчидан,*** **<u>якдил қараш ва ягона позиция.</u>** Ҳар икки давлат халқаро майдонда билдирилаётган таклиф ва ташаббуслар юзасидан ўзаро ягона позицияда турибди, десак тўғри бўлади. Буни Ўзбекистон ва Хитой томонидан Марказий Осиё минтақасида ва умуман, ШҲТ маконида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, Афғонистонда вужудга келган вазиятнинг салбий оқибатларини бартараф этиш, “Бир макон, бир йўл” ташаббуси умумий тараққиёт ва фаровонликка эришиш йўлидаги зарурий, инклюзив ва очиқ платформа сифатида қўллаб-қувватланаётгани мисолида кўриш мумкин;

***учинчидан,*** **<u>стратегик тараққиёт концепцияларининг устувор йўналишларидаги ўзаро ўхшашлик.</u>** Ҳар икки давлат учун “тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш”, “инвестициявий жозибадорликни ошириш”, “кичик ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш”, “маҳаллий брендларни жаҳон бозорига олиб чиқиш”, “юқори салоҳиятли кадрларни тайёрлаш”, “яшил ишлаб чиқариш занжирларини жорий этиш”, “иқтисодий барқарорликка аҳоли даромадларини реал тарзда оширган ҳолда эришиш” каби устувор мақсадлар муҳим ҳисобланади;

***тўртинчидан,*** **<u>дўстлик ришталарининг тарихий илдизлари.</u>** Тарихий манбалардан кўриш мумкинки, қадимдан икки буюк диёр ўртасида савдо карвонлари, маданий карвонлар, фаол дипломатик муносабатлар амалга оширилган. Хусусан, эрамиздан аввалги 126 йилда Хань сулоласининг илк элчиси Чжан Цянь Фарғона водийсидаги қадимий Паркана давлатига келган. Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”сида 1388 йил бошларида Хитойдан келган элчилар ҳақида эслатиб ўтган. Шунингдек, “Мин сулоласининг ҳақиқий тарихи” номли илмий тарихий асарда 1389-1398 йилларда Хитойга Амир Темур салтанатидан тўққиз марта элчи келгани қайд этилган. Бу каби тарихий фактлар Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик чуқур тарихий илдизга эгалигини исботлайди.

## 2024 йилдаги илк давлат ташрифи — Хитойга!

Кейинги йилларда олий даражадаги ишончли мулоқот ва давлат раҳбарларининг мунтазам учрашувлари туфайли Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳамкорлик кенгайиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йилдаги илк давлат ташрифи Хитой Халқ Республикасига амалга оширилди. Шу ўринда, “Нега айнан Хитойга?” деган савол туғилиши табиий. Буни қуйидаги тарихий, ҳуқуқий ва иқтисодий фактлар билан асослаш ўринли:

***биринчи <u>тарихий ва ҳуқуқий</u> факт:*** Хитой давлати мамлакатимиз мустақиллигини биринчилар қаторида, 1991 йил 27 декабрда расмий тан олган давлат ҳисобланади;

***иккинчи <u>тарихий ва ҳуқуқий</u> факт:*** Хитой мустақил Ўзбекистон билан дипломатик алоқаларни ўрнатган илк давлатлар қаторига киради (1992 йил 2 январь);

***учинчи <u>тарихий ва ҳуқуқий</u> факт:*** янги Ўзбекистон ва замонавий Хитой ўртасидаги муносабатлар Президентимиз саъй-ҳаракатлари билан 2022 йил 15 сентябрда ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилди;

***биринчи <u>иқтисодий</u> факт:*** Хитой биринчилардан бўлиб, 1992 йилда Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий муносабатларда энг кўп қулайлик яратиш тартибини жорий этган давлат ҳисобланади;

***иккинчи <u>иқтисодий</u> факт:*** Хитой 2017–2023 йилларда мамлакатимиздаги турли соҳаларга энг кўп инвестиция киритган давлатлардан бири. Хусусан, 2017–2023 йилларда ўзлаштирилган Хитой инвестициялари ҳажми 14 миллиард долларни ташкил этди;

***учинчи <u>иқтисодий</u> факт:*** Хитой дунёнинг энг йирик экспортчиларидан биридир;

***тўртинчи <u>иқтисодий</u> факт:*** Хитой 1,5 миллиарддан зиёд аҳолиси билан дунёнинг “энг катта истеъмол бозори”га эга бўлган йирик давлатдир. Бундай юқори ишлаб чиқариш салоҳияти ва истеъмолчисига эга бўлган давлат билан самарали ҳамкорлик қилиш эл-юртимиз равнақи, тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти кенгайиши учун бирдек муҳим.

Ушбу давлат ташрифи ўзига хос рамзий маънога эга ҳисобланади. Давлат ташрифининг мазмунини қуйидаги жиҳатларда кўриш мумкин:

**биринчи ижобий жиҳати,** ушбу давлат ташрифи, аввало, жонажон халқимиз ва юртимизнинг миллий манфаатлари устуворлиги руҳида кечди. Хусусан, ташриф доирасида давлат раҳбарлари ҳузурида имзоланган ҳужжатлар пакетида назарда тутилган масалалар: инсон ресурсларини ривожлантириш, атроф-муҳитни асраш, фан ва технологиялар соҳасидаги алмашинувлар, туризм ва маданий соҳалардаги ҳамкорликнинг янги йўналишлари, шунингдек, Тошкент, Самарқанд вилоятларининг Хитойдаги ривожланган ҳудудлар: Шэньси музофоти ҳамда Циндао шаҳарлари билан шериклик алоқаларининг ўрнатгани юртдошларимиз, ёшлар, тадбиркорлик субъектлари учун бирдек манфаатлидир;

**иккинчи ижобий жиҳати,** икки давлат ўртасида мисли кўрилмаган даражада ўсган иқтисодий ва инвестиция соҳаларида йўлга қўйилган кўп векторли ҳамкорликнинг узвийлигини таъминлаш ва кенгайтиришга хизмат қилади. Хусусан, 2023 йилда икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш 14 миллиард долларга етгани, бугунги кунда Ўзбекистонда хитойлик сармоядорлар иштирокида 2300 дан ортиқ корхона фаолият юритаётгани фикримиз тасдиғидир;

**учинчи ижобий жиҳати,** Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги маданий алоқаларнинг янада ривожланиши, хитойликларда ўзбек маданиятига нисбатан қизиқиш тобора ортишига замин яратди. Хусусан, ташриф давомида Пекин шаҳрида Ўзбекистон маданияти кунлари доирасида “Лазги. Муҳаббат ва қалб рақси” спектакли намойиш этилгани хитойликлар ва Хитойда истиқомат қилаётган ватандошларимизда ўзбек миллий маданияти, маърифатимиз, миллий санъатимизга нисбатан ҳурмат ҳисси янада ошишига хизмат қилди. Айтиш жоизки, бугунги кунда Хитойдаги ўзбеклар сони 13 мингдан ошгани давлатларимиз ўртасидаги илмий, инновацион, фан ва технологиялар, ўзаро малака ошириш дастурлари, бандлик соҳасида қўшма дастурлар ижобий самара бераётганини кўрсатмоқда;

**тўртинчи ижобий жиҳати,** мамлакатимизда ривожлантирилиши зарур бўлган техник йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш, қишлоқ хўжалиги ва “яшил” энергетикада технологиялар трансферини амалга ошириш, стандартлаштириш, аҳолига манзилли ёрдам кўрсатиш каби соҳа ва йўналишларнинг тараққиётига хизмат қилиши шубҳасиз;

**бешинчи ижобий жиҳати,** Ўзбекистон ва Хитой ўртасида самарали трансминтақавий транспорт коридорини барпо этиш борасидаги келишувларни амалий босқичга кўчирди. Хусусан, сиёсий мулоқот давомида икки давлат раҳбарининг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида муҳим ҳисобланган “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўлини қуриш бўйича амалий ишларни бошлашга келишиб олгани юртимиз тадбиркорлари, ишлаб чиқарувчилари ва яқин ҳамкор ҳисобланмиш хитойлик тадбиркорларга катта умид берди.



## Самимий сиёсий мулоқот халқларимиз истиқболига хизмат қилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ўртасидаги самимий мулоқот икки давлат халқлари тақдири, жумладан, ёшларнинг таълим олиши, меҳнат фаолияти билан шуғулланиши, тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг фаол савдо-иқтисодий фаолият юритиши, юртимиз ва хитойлик олимларнинг қўшма илмий ва амалий тадқиқотларни биргаликда олиб бориши учун янги имкониятларни яратиб берди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Хусусан, мулоқот доирасида Си Цзиньпин томонидан юртимиздаги ислоҳотлар ортга қайтмас тус олгани алоҳида таъкидланиб, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги барча даражалардаги алоқалар фаоллашиб, тобора мустаҳкамланиб бораётгани эътироф этилди.

Шу ўринда, икки давлат ўртасидаги самарали ва дўстона алоқаларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси мавжудлигини айтиш жоиз. Жумладан, Қонунчилик маълумотлари миллий базасида таъкидланишича, 2024 йил 15 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг Хитой билан алоқаларини бевосита ва билвосита ҳуқуқий тартибга солувчи 250 дан зиёд ҳужжат мавжуд.

Давлатларимиз ўртасидаги дўстлик алоқалари бугунги кунда Ҳукуматлараро қўмита, Парламентлараро гуруҳ, ташқи сиёсий идоралар раҳбарлари миқёсидаги Стратегик мулоқот, фаол гуманитар ва ҳудудлараро алмашинувлар шаклида юқори даражада амалга оширилмоқда.

Президентимиз сиёсий мулоқот доирасида 2023 йилда ушбу давлатга икки маротаба амалга оширилган ташрифда билдирилган таклиф ва ташаббусларнинг самарали амалга оширилганини қайд этган ҳолда, ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилувчи қатор таклифларни илгари сурди. Хусусан:

***биринчи таклиф:*** инфратузилма, саноат кооперацияси, қишлоқ хўжалиги ва “яшил” энергетикада технологиялар трансфери соҳаларида ҳамкорлик дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш;

***иккинчи таклиф:*** инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлашнинг молиявий воситаларини кенгайтириш;

***учинчи таклиф:*** хитойлик ишбилармонларнинг Ўзбекистондаги давлат корхоналари ва банкларини хусусийлаштириш жараёнидаги фаол иштирокини таъминлаш;

***тўртинчи таклиф:*** Ўзбекистон ва Хитой ҳудудлари кенгашини тузиш;

***бешинчи таклиф:*** таълим ва туризм соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш, ўзаро маданият кунларини ўтказиш;

***олтинчи таклиф:*** Қўшма Ёшлар инновация форумини ўтказиш. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари ўзининг хорижий сафарларидаги нутқларида, албатта, ёшлар масаласига эътибор қаратиб, бу борада ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича муҳим ва тарихий ташаббусларни илгари суради. Бу сафар ҳам Қўшма Ёшлар инновация форумини ўтказиш борасидаги ташаббуснинг билдирилгани фикримиз исботидир.

Мазкур ташаббуснинг аҳамиятини қуйидагиларда кўриш мумкин:

***биринчи ижобий аҳамияти:*** форумнинг ўтказилиши ўзбек ва хитойлик ёшлар ўртасида самимий мулоқот йўлга қўйилиши, дўстлик алоқалари янада ривожланишига хизмат қилади;

***иккинчи ижобий жиҳати:*** ўзбек ва хитойлик ёшларнинг фан, таълим, инновация соҳаларидаги ташаббусларини молиялаштириш имкониятини янада оширади;

***учинчи ижобий жиҳати:*** ўзбек ва хитойлик ёшларнинг ўзаро тажриба алмашиш дастурларини янада кенгайтиради.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги олий ўқув юртларида 2 мингдан зиёд талаба хитой тилини ўрганаётгани, 5 та олийгоҳда эса хитой тили биринчи ёки иккинчи хорижий тил сифатида ўқитилаётганини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбарининг мазкур таклифи истиқболда Хитойнинг илм-фан, инновация, таълим соҳаларидаги ижобий тажрибасини чуқур ўрганишда долзарб аҳамият касб этади.

Олий даражадаги музокараларнинг якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Қўшма баёноти имзолангани, унда ҳамкорликнинг юқори истиқболлари бўйича режалар белгиланганини алоҳида таъкидлаш керак.

Шунингдек, икки давлат раҳбарлари ҳузурида қарийб 15 дан зиёд ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, техник-иқтисодий ҳамкорлик, инсон ресурсларини ривожлантириш, давлат илмий-тадқиқот муассасалари ҳамкорлиги тўғрисида 4 та муҳим соҳа бўйича ҳукуматлараро битим, хитой тилини ўқитиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим, 6 та вазирлик ва идоралараро ҳамкорлик, англашув баённомалари, “Ҳаво ипак йўли”ни биргаликда барпо этиш тўғрисида келишув, 2024-2026 йилларда туризм соҳасидаги ҳамкорлик режаси, 2 та ҳудудлараро шериклик битими имзоланиб, ўзаро ҳамкорликнинг қамрови янада кенгайтирилди.

Мазкур ҳужжатларда белгиланган келишувларнинг амалга оширилиши ўзбек ва дўст хитой халқининг тараққиёти ва турмуши фаровонлигига бирдек хизмат қилиши шубҳасиз.

## Ишбилармон, молия ва инвестиция доиралари учун янги имкониятлар

Президентимизнинг хорижий давлатларга бўладиган ташрифлари дастури марказидан жой оладиган масала бу — ўша юртдаги ишбилармон, молия ва инвестиция доиралари билан бўладиган учрашувлар, форумлар ва мулоқотлар ҳисобланади. Ушбу ижобий ҳолат:

— хорижий тадбиркорлар, ишбилармонлик доиралари ва инвесторларда юртимизга нисбатан қизиқиш ортишига;

— мамлакатимиз ва халқимиз тараққиёти учун хизмат қилувчи инвестиция ва сармоялар оқимининг тобора ортиб боришига хизмат қилади.

Бу сафар ҳам Президентимиз Хитойга давлат ташрифи диорасида Шэньчжэнь шаҳрида ташкил этилган қўшма инвестиция форумида иштирок этди. Хитойлик тадбиркорлар, молия ва инвестиция доиралари вакиллари билан очиқ ва самимий мулоқот қилди, уларни юртимизда фаолият юритишга чорлади. Форумда Ўзбекистон ва Хитой давлат идоралари ва ҳудудлари раҳбарлари, Хитой йирик бизнесининг 600 нафардан зиёд вакили иштирок этгани ҳам унинг қамрови ва кутилаётган иқтисодий самарадорликнинг нақадар кенг эканини тасдиқлайди.

Шу ўринда айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг ўтган йиллар давомидаги ушбу мамлакатга ташрифларида билдирган ишончи ва яратиб берган шароитлари туфайли бугунги кунда мамлакатимизда Хитой сармояси иштирокидаги корхоналар сони уч баробар кўпайиб, турли соҳалар равнақига ҳисса қўшмоқда.

Давлатимиз раҳбари нуфузли форумда икки давлат ишбилармонларининг фаолияти учун муҳим бўлган қуйидаги таклифларни билдирди:

***биринчи таклиф:*** ҳудудлараро форум ва саноат маҳсулотлари кўргазмаларини тизимли равишда ўтказиб бориш, навбатдаги шундай форумни Ўзбекистонда ташкил этиш;

***иккинчи таклиф:*** Ўзбекистонда инфратузилмани ривожлантириш лойиҳаларига Хитой молия институтлари маблағларини жалб қилишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш, улар билан шерикликни кенгайтириш;

***учинчи таклиф:*** стратегик хомашёни чуқур қайта ишлашда саноат кооперациясини ривожлантириш;

***тўртинчи таклиф:*** юртимизда қишлоқ хўжалигининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида Хитойнинг илғор технологияларини жалб қилиш, ерларни қайта тиклаш ва тузга чидамли ўсимликларни экиш бўйича илмий ёндашувларини жорий қилиш;

***бешинчи таклиф:*** “яшил” энергетикада стратегик шерикликни давом эттириш;

***олтинчи таклиф:*** Инвестиция форумини ҳар йили ташкил этиш ва навбатдагисини 2025 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиш борасидаги таклифлар Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон доиралари ўртасидаги ўзаро иқтисодий, молиявий ҳамкорликни янги поғонага олиб чиқиши шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари хитойлик иқтисодий нуфузли компания ва корпорациялар раҳбарлари билан ҳам самимий мулоқот қилди. Хусусан, CNPC нефть-газ корпорацияси раиси Дай Хоулян билан ер ости газ сақлаш сиғимларини барпо этиш ва газ етказиш тизимларини модернизация қилиш, замонавий бурғилаш технологияларини жорий этиш ва нефть-газ тармоғи учун мутахассислар тайёрлаш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, Хитой Экспорт-импорт банки раиси Ву Фулин билан банкнинг Тошкент шаҳрида минтақавий офисини очиш ҳамда транспорт ва ижтимоий инфратузилма, саноат ва хусусий секторни ривожлантириш бўйича янги истиқболли лойиҳаларни шакллантириш, Ипак йўли фонди раиси Чжу Цзюнь билан саноат кооперацияси ва инфратузилмани ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш, “CSG” компанияси директорлар кенгаши раиси Мэн Чжэньпин билан лойиҳалаштириш ва инжиниринг бўйича замонавий тизимларни, энергетик хавфсизликни таъминлаш ва энергия тармоқларида йўқотишларни камайтириш бўйича юксак стандартларни ишга тушириш, “SANY” компанияси директорлар кенгаши раиси Сян Вэньбони билан компаниянинг Қорақалпоғистон Республикасида шамол электр станциясини барпо этиш, шамол турбиналарининг бутловчи қисмлари, қурилиш ва оғир юк техникасини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш, “BYD” компания президенти Ван Чуаньфу билан мамлакатимизда “BYD” электр автобусларини йиғишни йўлга қўйиш, эҳтиёт қисмларини маҳаллийлаштириш ва муҳандислик-сервис марказларини ташкил этиш масалаларида мулоқот ўтказилгани ушбу соҳа ва тармоқларни хитой тажрибаси ва технологиялари асосида ривожлантириш имконини беради.

## Манфаатли ҳамкорликнинг ижобий таъсири

Бугунги кунда биз Хитойнинг замонавий электромобилларини ҳайдаб, улар томонидан ишлаб чиқилган гаджетлардан фойдаланяпмиз. Хитойлик дўстларимиз юртимизда табиий қуёш нурида етиштирилган боғдорчилик маҳсулотлари мазасини мақтамоқда, ўзбек хонадонида меҳмон бўлганлари меҳмондорчилигимиз, миллий анъана ва қадриятларимизга тан беряпти, яна жаннатмонанд юртимизга келиш орзуси билан яшамоқда. Аслида, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг асоси ҳам мана шунда: минг йиллардан зиёд давом этиб келаётган ўзаро ишонч, очиқ ва самимий мулоқотлар, дўстлик ришталаридадир. Хитой халқ мақолида айтилганидек, “Мамлакатлар дўстлиги халқларнинг яқинлигидан, халқларнинг яқинлиги эса қалблар яқинлигидан куч олади”.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хитойнинг етакчи газетаси “Жэньминь жибао”да эълон қилинган “Ўзбекистон — Хитой: минг йиллар бардавом дўстлик ва ҳамкорлик” сарлавҳали мақоласи биз, ўзбек ёшлари сингари хитойлик тенгдошларимизга ҳам келажакка нисбатан катта ишонч, руҳ ва куч берганини таъкидлаш ўринли. Умуман олганда, ҳамкорликнинг устувор йўналишларида эришилган ютуқлар, истиқболдаги режалар, ўзаро ишончнинг асоси ва мазмунини ташкил этувчи “инсон қадрини юксалтириш”га хизмат қилувчи ғоялар давлатларимиз тақдири ва тараққиёти учун муҳимдир.

Ёш таҳлилчи олим сифатида айтишни истардимки, Ўзбекистон ва Хитой халқини минтақавий ва халқаро ҳамкорликни таъминлаш борасидаги муштарак интилишлар, замонлар оша сайқалланиб келаётган, синовларда тобланган дўстлик алоқалари бирлаштириб туради. Зеро, ушбу дўстлик алоқалари икки халқнинг келгуси асрларда ҳам бахтли бўлишини кафолатлаши шубҳасиз.



## Ислоҳот одимлари

# ИШДА ҲАМ, УЙДА ҲАМ ТЕЖАМКОРЛИК

## Унга қандай эришилади?

Бошланиши 1-бетда

### ЎЙНАБ ИШЛАТСАНГ ҲАМ, ЎЙЛАБ ИШЛАТ

Зокир ака кейинги пайтда анчагина тежамкор бўлиб қолди. Аввалари олган маошини бир сўмигача ҳисоблаб ишлатар эди, корхона раҳбари бўлгач эса янада тежамкор бўлишга одатланди. Чунки...

Ўтган ой хонадони учун электрга анчагина пул кетган бўлса, корхонадаги ҳисоб-китоби режадагидан ҳам ошиб кетди. Йирик рақамларни қоғозга ёзганча, қандай қилиб бунинг олдини олишни ўйлаб қолди. Нима қилса, бу борадаги харажатларни камайтириш мумкин? Бош қотириб ўтираркан, ёрдамчиси юқори ташкилотдан сўрашаётганини айтиб қолди. Телефон орқали қисқа мулоқотдан сўнг шошганча ёрдамчини чақириб, компьютерда ҳисобот тайёрлашга киришди. Аммо бир дақиқа ўтмасдан, чироқ ўчиб қолди. Шошиб турганда бу ҳолатни кутмаганди. Бир оз асабийлашиб, хўжалик мудирини чақирди. Электр бутун корхона бўйлаб ўчгани учун ҳам иш тўхтаб қолди. Боз устига топшириши керак бўлган ҳисоботни ўн дақиқада жўнатаман, деб ваъда қилиб қўйган. Вақт кутиб турмайди. Кутилмаган бу вазиятдан чиқишнинг йўлини тополмай, жим қолди. Шошганича туман электр тармоқлари бўлимига қўнғироқ қилди. Ҳолатни маълум қиларкан, бир оз сукунатдан сўнг корхонанинг электр токи учун ўтказган маблағи тугаганини, агар пул ўтказилса, чироқни қайтадан ёқишни маълум қилишди. Яқиндагина тўлов қилинганди, ўн кунда ўчиб қолиши мумкинми?

Кўпчилик ишчи-ходимларга эътироз билдираркан, ўзи ҳам ишдан қайтгунча хона чироқларини, ҳаттоки қиш кунларида иситкичларни ҳам ўчирмасдан кетишини ўйлаб хижолат чекди. Тезда ҳисобчини чақириб, электр учун тўлов ўтказди. Бу орада икки марта қўнғироқ бўлиб, юқори ташкилотдан яхшигина танбеҳ олди.

Орадан кўп вақт ўтмай, Нишон туманидаги Таллимаржон иссиқлик электр станциясига иш юзасидан бориб қолди ва кўп нарсанинг гувоҳи бўлди. Ишлаб чиқаришда, янги замонавий технологиялардан фойдаланишда, умуман, инсон ҳаёти ва турмуш тарзида жуда муҳим бўлган электр токини истеъмолга етказиш учун бунчалик катта меҳнат ва харажат талаб қилинишини тасаввур қилмаганди.

Зокир ака эндиликда нафақат ўз маблағини, балки электр токини ҳам тежайдиган, беҳуда ёниб турган чироқларни ўчириб, кераксиз ҳолатда ишлаётган электр жиҳозларини токдан ажратиб қўйишни канда қилмайдиган бўлди. Бу одат корхонадаги жамоа ўртасида ҳам, оила аъзоларида ҳам қатъий тартибга айланди.

### ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР САРИ ҚАДАМ

Маълумотларга кўра, бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 85 фоизга яқини иссиқлик электр станциялари ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, Нишон туманидаги Таллимаржон иссиқлик электр станцияси ҳам бир неча йиллардан буён аҳолини электр манбаи билан таъминлашга хизмат қилади.

Станцияда илк марта 2004 йил ноябрь ойида 800 МВт.ли энергоблок ишга туширилган. Шундан сўнг бу ерда босқичма-босқич амалга оширилган ислоҳотлар натижасида янги технологиялар жалб этила бошланди. 2016 йил 4-чорагига келиб, 450 МВт.ли 1-буғ-газ қурилмаси иш бошлади. Орадан бир йил ўтгач, яна шундай қувватдаги иккинчи қурилма ишга туширилди. Бу эса аҳолини энергия билан таъминлаш учун қилинган муҳим ҳаракатлардан бири бўлди.

> 2025 йилда "Таллимаржон ИЭС" АЖда янги лойиҳанинг ишга тушиши аҳолининг электр энергиясига бўлган талабини қондириш билан бирга, маълум миқдорда импорт ўрнини қоплашга хизмат қилади. Бу эса мамлакат иқтисодиётининг ўсиши учун ташланган муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.



— Бу энергоблоклар туфайли станциянинг электр энергияси ишлаб чиқариш йиллик қуввати 7,2 миллиард киловатт-соатга ортди, — дейди корхонанинг эксплуатация хизмати бошлиғи Фахриддин Суюнов. — Йилига истеъмолчиларга қарийб 11,4 миллиард киловатт-соат электр энергиясини етказиб бериш имконияти пайдо бўлди. Корхонамизда энергия самарадорлигини янада ошириш борасидаги ҳаракатлар бу билан тўхтаб қолгани йўқ. Жумладан, электр ишлаб чиқаришда, асосан, газдан кўп фойдаланамиз. Имкон даражасида янги инновацион технологияларни қўллаган ҳолда кам харажат қилиб, яхшироқ натижага эришишга интилмоқдамиз.

2013 йилда "Таллимаржон ИЭС" АЖга қарашли 500 кВт.ли очиқ тақсимлаш қурилмасини қуриш инвестиция лойиҳаси ишга туширилганди. Бундан асосий мақсад эса юртимизда энергия тизимининг жануби-ғарбий ва жанубий ҳудудларини электр билан таъминлашга қаратилган.

Корхона ишлаб чиқарган электр энергияси трансформаторлар орқали линиялар бўйича очиқ тақсимлаш қурилмасига узатилади. Бу ердан эса электр энергияси ҳудудларга тақсимланади. Яъни "Таллимаржон — Ғузор", "Таллимаржон — Қоракўл" ва "Таллимаржон — Сўғдиёна" линиялари орқали Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларидаги халқ хўжалиги объектлари ва аҳоли электр энергияси билан таъминланади. 500 кВт.ли очиқ тақсимлаш ҳаво линиясининг умумий узунлиги 217,6 километр бўлиб, унинг 87 километри Самарқанд вилояти ва 130,6 километри Қашқадарё вилояти ҳудудига тўғри келади.

Станцияда айни пайтда янги лойиҳаларни амалга ошириш ишларига ҳам старт берилган. Жумладан, корхонада яна 2 та буғ-газ қурилмаси қурилиши амалга оширилмоқда.

Янги барпо этилаётган қурилмаларнинг умумий қуввати 1065 мегаватт бўлиб, лойиҳанинг умумий қиймати 944,87 миллион долларни ташкил этади.

Осиё тараққиёт банки талабларига асосан, қурилмани бунёд этиш учун халқаро тендер савдолари ўтказилган бўлиб, унга дастлаб 31 та хорижий компания қизиқиш билдирган. Улар орасидан Испания ҳамда Япония компаниялари юқори баҳоланиб, қурилиш ишларини бажаришни ўз зиммасига олган.

### САМАРАДОРЛИК ОРТАДИ

Мутахассислар таъкидлашича, янги буғ-газ қурилмалари ишга туширилгач, корхона йилига қўшимча қарийб 8 миллиард кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқаради ва юқори тежамкор технологияларни қўллаш ҳисобига йилига 600 миллион куб метрга яқин табиий газ тежалишига эришилади.

Бу янги инвестицион лойиҳа Самарқанд ва Бухоро вилоятлари истеъмолчиларини, Қарши магистрал каналидаги еттита насос станциясини ва яна кўплаб аҳоли пунктларини электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилади.

— Янги лойиҳа асосида барпо этилаётган қурилмаларимиз ўз натижасини бера бошлагач, корхонада қўшимча 100-120 ишчи ўрни яратилади, — дейди станциянинг капитал қурилиш бўлими бошлиғи Алимурод Каримов. — Ҳозирда бунёдкорлик ишларига 600 га яқин киши жалб этилган. Уларнинг асосий қисмини маҳаллий аҳоли вакиллари ташкил қилади. Етмиш саккиз нафари эса хорижий компания ходимларидан иборат. Лойиҳа ишлари 2025 йилда якунланиши режалаштирилган.

JOINT-STOCK COMPANY THERMAL POWER PLANTS

Мазкур буғ-газ қурилмалари тўлиқ фаолият бошлагач, корхонанинг умумий қуввати 2800 МВт.га етказилади. Шунингдек, ёқилғи-энергетика ресурсларини тежовчи ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш бўйича ҳам "Таллимаржон ИЭС" АЖда сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, корхонада умумий қуввати 56 кВт. бўлган 9 та қуёш фотоэлектр станцияси монтаж қилинди. Бундан ташқари, 22 кВт. ва 110 кВт. қувватдаги частота ўзгартирувчи қурилмалар ўрнатилди. Шу билан бирга, умумий қуввати 1038 кВт.лик қуёш фотоэлектр станцияси ҳам барпо этилди. Натижада катта ҳажмдаги энергия ишлаб чиқарилиб, табиий газ иқтисод қилинишига эришилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, 2025 йилда "Таллимаржон ИЭС" АЖда янги лойиҳанинг ишга тушиши аҳолининг электр энергиясига бўлган талабини қондириш билан бирга, маълум миқдорда импорт ўрнини қоплашга хизмат қилади. Бу эса мамлакат иқтисодиётининг ўсиши учун ташланган муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

**Акбар РАҲМОНОВ,**
*"Янги Ўзбекистон" мухбири*

## Инсон қадри учун

# БУГУН ЮТУҚЛАРДАН ТАСКИН ТОПИБ ЎТИРАДИГАН ПАЛЛА ЭМАС

## давр талаби олдимизга янгидан-янги вазифалар қўймоқда

**Холмирза ҚЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сирдарё вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири**

> **"Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш — одамийликнинг энг олий мезонидир", "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", "Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун кўриши керак".**



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бу сўзлари бугун мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланиб, халқимизнинг ҳаётий талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, одамларни рози қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Бу жараёнда халқ билан мулоқот қилиш, мурожаатлар билан ишлаш бўйича янги тизимга асос солингани жамиятимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш, ҳар бир инсоннинг орзу-ниятлари ва интилишларини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўляпти.

Бу йўналишда дунёда ўхшаши бўлмаган ўзига хос замонавий тузилма — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолият бошлаганига етти йил бўлди. Ўтган йиллар мобайнида Халқ қабулхоналари орқали фуқароларни қийнаб келаётган кўплаб муаммоларга ечим топилди, минг-минглаб инсонларнинг розилигига эришилди. Бу фикримизни рақамлар асосида изоҳлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сирдарё вилоятидаги Халқ қабулхоналари фаолиятига бир назар ташласак. Агар ушбу тизим орқали 2018 йилда аҳоли томонидан келиб тушган мурожаатларнинг бор-йўғи 23 фоизи ҳал этилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 24 фоизга, 2020 йилда эса 26 фоизга етди. Ўтган 2023 йилда 57 фоиздан ошди.

Шу билан бирга, йиллар ўтгани сари Халқ қабулхоналари ходимларининг иш тажрибаси ва салоҳияти юксалди. Секторлар, корхона, ташкилот ва муассасалар ходимларининг мурожаатларга бўлган масъулияти ортиши натижасида олдимизга қўйилган вазифаларни бажаришдаги кўрсаткичларимиз ҳам йил сайин яхшиланиб боряпти.

Бундан ташқари, кейинги йилларда маҳалла инфратузилмаси ривожига эътибор тобора кучаймоқда. Жойларда аҳоли билан бевосита, доимий равишда сайёр қабуллар уюштириляпти. Натижада аҳоли мурожаатлари йилдан-йилга камайиб боряпти. Масалан, вилоятимиздаги Виртуал ва Халқ қабулхоналарига аҳоли томонидан йўлланган мурожаатлар 2022 йилда 3 фоизга, 2023 йилда эса 6 фоизга камайган.

Таҳлилимизни соҳалар бўйича олиб қарайдиган бўлсак, Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали ҳамда сайёр қабулларда аҳоли томонидан коммунал соҳалар ва дастурлардаги муаммолар бўйича келиб тушган мурожаатларнинг тегишли соҳа масъуллари томонидан тўлиқ кўриб чиқилиши устидан алоҳида назорат олиб бориш йўлга қўйилди. Бу борада аниқланган камчиликлар бўйича тегишли соҳа раҳбарларига кўрсатмалар бериб бориляпти.

Хусусан, тўпланиб қолган муаммолар ҳақида вилоят ҳокимига, шунингдек, вилоят, туман (шаҳар) халқ депутатлари кенгашларига ахборотлар киритиб бориш тартиби жорий этилгани ўз самарасини бермоқда. Натижада аҳолини қийнаётган муаммоларга тез ва аниқ ечим топилмоқда. Масалан, ўтган йили электр энергияси таъминоти бўйича мурожаатларнинг 60,3 фоизи, ичимлик суви бўйича келиб тушган мурожаатларнинг 70,3 фоизи ҳамда табиий ва суюлтирилган газ таъминотига доир мурожаатларнинг 75,8 фоизи ижобий ҳал этилиши таъминланди.

Бу борадаги ишларни янада кенгайтириш мақсадида Халқ қабулхоналари томонидан ўтган йили давлат органлари ва ташкилотларида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш фаолияти бўйича 300 дан ортиқ амалий муҳокамалар ўтказилди. Бу тадбирларда мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишда юзага келаётган муаммо, камчиликлар раҳбар ва масъул ходимлар иштирокида танқидий муҳокама қилиниб, муаммоли масалаларнинг қонуний ечимини топишга эришиляпти.

> **Кейинги йилларда маҳалла инфратузилмаси ривожига эътибор тобора кучаймоқда. Жойларда аҳоли билан бевосита, доимий равишда сайёр қабуллар уюштириляпти. Натижада аҳоли мурожаатлари йилдан-йилга камайиб боряпти. Масалан, вилоятимиздаги Виртуал ва Халқ қабулхоналарига аҳоли томонидан йўлланган мурожаатлар 2022 йилда 3 фоизга, 2023 йилда эса 6 фоизга камайган.**

Ўтган йили Халқ қабулхоналарида вилоятдаги секторлар ва турли ташкилотлар раҳбарларининг қарийб 4 минг марта шахсий қабули уюштирилди. Бу жараёнда жисмоний ва юридик шахслар кўтарган масалалар қонун талаблари асосида кўриб чиқилиши таъминланди. Шунингдек, 3 мингдан ортиқ оммавий сайёр қабуллар ўтказилиб, фуқароларнинг 14 мингга яқин муаммоларидан 78,8 фоизи ижобий ҳал этилди.

Жорий йилда суд-ҳуқуқ масалалари бўйича ўтказилган қабуллар давомида келиб тушган мурожаатларнинг 46,9 фоизи ижобий ҳал қилинди. Хусусан, тадбиркорлик субъектларига 1 миллиард 405 миллион 811 минг сўм қарздорлик ундириб берилди. Шунингдек, 14 юртдошимизга фуқаролик ва хорижга чиқиш паспортлари расмийлаштирилди, 45 нафар маҳкум жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинди.

Мурожаатлар таҳлилидан келиб чиқиб, ҳудудлардаги оғир маҳаллаларда ободонлаштириш ишларини ташкил қилиш, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларга ечим топишни ташкиллаштириш борасида ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда. Масалан, ўтган йили Боёвут туманидаги Тинчлик, Ховос туманидаги Оқчангал, Оқолтин туманидаги Мустақиллик, Гулистон туманидаги Иноқлик ва Сайхунобод туманидаги Янги ҳаёт маҳаллаларида "Обод хонадон", "Обод кўча" ва "Обод маҳалла" мезонлари жорий этилди. Натижада ушбу маҳаллаларда аҳолининг яшаш шароити яхшиланиб, қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди. Инфратузилма, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича қисқа муддатларда муайян ижобий ишлар амалга оширилиб, аҳолининг розилигига эришилди.

Хусусан, Оқчангал маҳалласида "Обод маҳалла" дастури асосида кўчаларга 120 та бетон устун ўрнатилиб, мазкур ҳудудда яшовчи 600 га яқин аҳоли, Сайхунобод туманидаги Янги ҳаёт маҳалласи ҳудудида янги трансформатор ўрнатилиб, 3700 дан ортиқ аҳолининг электр таъминоти яхшиланди. Оқолтин тумани Мустақиллик маҳалласи ҳудудидаги кўчалардан бирида ичимлик суви тармоғи насоси таъмирланиши натижасида 100 дан ортиқ хонадон ичимлик суви билан таъминланди.

Бундан ташқари, жойларга уюштирилган сайёр қабуллар мобайнида аҳолидан тушган мурожаатлар ечимига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мисол учун, Сирдарё тумани Аҳиллик маҳалласи аҳолиси 4 йилдан буён туман электр тармоқлари корхонасига мурожаат қилса-да, муаммолари ҳал этилмаётганидан норози бўлиб, тумандаги Халқ қабулхонасига мурожаат қилган эди. Туман электр тармоқлари корхонаси ходимлари билан биргаликда мурожаат жойига чиқиб ўрганилиб, 20 дона бетон устун ўрнатилди ва электр тармоқлари янгиланди. Натижада маҳалладаги 36 хонадоннинг электр таъминоти яхшиланди.

Сайхунобод тумани Олғабос маҳалласидаги Янгиобод кўчасида яшовчи аҳоли ичимлик суви тармоғи йўқлиги туфайли узоқ масофадан сув ташиб ичарди. Маҳалла аҳли Ўзбекистон Республикаси Президентининг ишонч телефони орқали ушбу муаммони ҳал этишда ёрдам сўраб мурожаат йўллаган. Ушбу муаммони ҳал этиш юзасидан 150 метр масофага янги ичимлик суви тармоғи тортилиб, 80 та хонадонда яшовчи 300 дан ортиқ аҳолининг мушкули осон бўлди.

Халқимиз ҳаётида туб ўзгариш ясаётган, одамларнинг дунёқараши ва турмуш тарзи ўзгаришига туртки бўлаётган бундай хайрли ишлар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо бугун ютуқлардан таскин топиб ўтирадиган палла эмас. Ҳаёт шиддати, ўзгараётган давр талаби зиммамизга бу борада янгидан-янги вазифаларни юкламоқда. Қолаверса, мамлакатимиз тараққиётининг янги даври асосини ташкил қилаётган "Инсон — жамият — давлат" тамойили бу йўналишдаги ишларни халқимиз эҳтиёжи ва замон талабидан келиб чиқиб, доимий такомиллаштириб боришни тақозо этаётир. Зеро, одамларнинг розилигига фақат ва фақат амалий ишлар билан эришилади.

Шу боис, Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йилида бошланган эзгу ишларни изчил давом эттириш, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш фаолияти самарадорлигини янада ошириш, халқ билан мулоқотни ташкил этишда давлат идоралари ва аҳоли орасида мустаҳкам кўприк вазифасини оғишмай бажариш зиммамиздаги муҳим вазифа бўлиб қолади.

## Бугуннинг гапи



# ТОҒ-КОН САНОАТИ



**Форум доирасида Геология фанлари университети билан Хитой геофанлар ҳамда Хитой тоғ-кон ва технология университетлари ўртасида академик алмашинув, қўшма таълим дастурлари, илмий лойиҳаларда иштирок этиш каби йўналишларда меморандумлар имзоланди.**

**Мақсуд ИСОҚОВ,**
*геология-минералогия фанлари доктори*



**Бошланиши 1-бетда**



## Соҳада тажриба алмашиш улкан натижалар гарови

Ўзбекистон ҳам рангли ва қимматбаҳо металлар захираси ҳамда уларни қазиб чиқариш бўйича дунёдаги етакчи давлатлардан бири. Буни олтин қазиб олиш бўйича дунёнинг ТОП-10 мамлакати рўйхатида эканимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўтган ойда “Mining Visuals” портали сайёрамизда ишлатилаётган энг йирик олтин конларига оид эълон қилган рейтингда Мурунтов кони биринчи ўринни эгаллагани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Бугунги кун саноати учун энг талабгир ресурс — мис захиралари бўйича ҳам етакчилар қаторидамиз. Хусусан, биргина Олмалиқда 30 миллион тоннага яқин мис захираси аниқланган.

Ҳозир шу каби қазилма бойликларини чуқур қайта ишлаш орқали саноатни жадал ривожлантириш борасида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Демак, айни йўналишда Хитой билан ҳамкорлик қилиш икки томон учун ҳам манфаатли ҳисобланади.

Шу боис, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишларида тоғ-кон металлургияси, ер қаърини ўрганиш соҳалари бор. Кейинги йилларда Хитойнинг йирик саноат компаниялари билан алоқалар мустаҳкамланиб, қатор инвестициявий лойиҳалар ишга туширилди.

Ўзбекистон Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳамда Хитойнинг “The 4th Constraction Company Ltd. of China 15h Cooperation” компанияси ўртасидаги ҳамкорлик доирасида хорижлик мутахассисларни юртимизда кўмир қазиб чиқариш истиқболларига жалб этиш режалаштирилган. Негаки, хитойлик мутахассислар кўмир шахталарини қуриш борасида катта тажрибага эга.

2023 йил ноябрь ойида Пекин шаҳрида “Табиий уран саноатини ривожлантириш бўйича биринчи халқаро форум” доирасида Хитой Миллий ядро корпорацияси ва “Навоийуран” давлат корхонаси ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланганди. Хитойнинг мазкур корпорацияси мамлакатдаги глобал ядровий лойиҳалар бўйича етакчи ҳисобланади. Корпорация ҳозир Хитойда ишлаётган 22 та ва янгидан қурилаётган 6 та энергоблокка эга уран ишлаб чиқарувчи ягона йирик корхонадир.

Сиан шаҳрида 2023 йил 17-22 май кунлари ўтказилган Ўзбекистон — Хитой бизнес-форуми доирасидаги кўргазмада қатор ташкилот ва идоралар билан бирга Ўзбекистон Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати, Ўзбекистон металлургия комбинати вакиллари ҳам иштирок этиб, республикамиздаги геология соҳасининг сўнгги ютуқлари намойиш қилинганди. Хитой томони билан қўшма лойиҳалар, уларнинг истиқболлари хусусида келишиб олинганди. Айни пайтда мазкур келишувлар асосида йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этиляпти.

“Шарғункўмир” АЖни модернизация қилиш бўйича инвестициявий лойиҳа доирасида эса “Шарғункўмир” АЖ ҳамда Хитойнинг “Амикам” компанияси ўртасида келишув мавжуд. Унга кўра, ер ости кўмир қазиб олиш мажмуаларини эксплуатация қилиш учун хитойлик юқори малакали мутахассислар жалб этилади.

Президентимизнинг 2020 йил 8 июндаги “Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида Геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан республикада ягона — ўзида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мужассамлаштирадиган университет — кластер барпо этилди. Университетда геология соҳаси учун етук, малакали, замон талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш кўзда тутилган.

Қарорда университетга хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари, бизнес ҳамжамиятлари ва халқаро геологик жамиятлар билан узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, таълим ва илм-фан соҳасида халқаро алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш вазифалари белгилаб берилган. Ҳозирги кунга келиб, 30 га яқин давлатнинг етакчи олий таълим муассасалари, илмий марказлар ва йирик компаниялар билан таълим ва илм-фан йўналишларида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Жумладан, университет таркибидаги Ҳ.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти ҳузурида Хитойнинг Шинжон-Уйғур мухтор тумани давлат дастури бюроси билан ҳамкорликда Ўзбек — хитой илмий-техник ҳамкорлик маркази ташкил этилган. Ўтган давр мобайнида мазкур дастур доирасида институтнинг 19 нафар ёш илмий тадқиқотчиси Хитой томонидан ташкил этилган турли қўшма семинарларда иштирок этди. Ўз навбатида, хитойлик 20 дан ортиқ илмий тадқиқотчи Ўзбекистоннинг тоғ-кон саноати, Чотқол-Қурама, Марказий Қизилқум ҳудудларидаги маъдан конлари билан яқиндан танишди.

Узоқ муддатли стратегик ҳамкорлик, қўшма лойиҳаларни амалга оширишда юқори натижаларга эришиш ҳамда фойдали қазилмаларни қайта ишлаш соҳасида муҳим вазифаларни ечиш мақсадида 2023 йил 17 октябрь куни Пекин шаҳрида ўтказилган “Бир макон, бир йўл” саммити доирасида Хитойнинг “BGRIMM Technology Group” компанияси ва Геология фанлари университети таркибидаги Минерал ресурслар институти ўртасида қўшма лаборатория ташкил қилиш бўйича ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Бундан ташқари, институтда компания ташаббуси билан “Мураккаб таркибли маъданларни қайта ишлаш ва ундан олинган мураккаб бойитмалардан қимматбаҳо металларни ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш” лойиҳаси ҳам амалга оширилмоқда.

Ҳамкорликнинг узвий давоми сифатида шу кунларда Пекин шаҳрида бўлиб ўтган Хитой — Ўзбекистон таълим форумини алоҳида таъкидлаш жоиз. Икки мамлакат олий таълим муассасалари ректорлари иштирокида ўтказилган форум таълимнинг турли босқичларидаги масалалар, глобал муаммолар муҳокамаси учун ўзига хос платформа вазифасини ўтайди.

Форум доирасида Геология фанлари университети билан Хитой геофанлар ҳамда Хитой тоғ-кон ва технология университетлари ўртасида академик алмашинув, қўшма таълим дастурлари, илмий лойиҳаларда иштирок этиш каби йўналишларда меморандумлар имзоланди.

Асосий йўналишлардан бири — қўшма таълим дастурини йўлга қўйиш. Дастур доирасида талабалар тегишли йўналишлар бўйича 2 та дипломга эга бўлиши режалаштирилган.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги узоқ йиллик ҳамкорлик қаторида ушбу таълим форуми ҳам давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, тараққиётнинг янги саҳифаларини очишга хизмат қилади.

## Олий таълимдаги янгиланишлар

**Зафарбек ОЛИМБЕКОВ,**
*Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги бошқарма бошлиғи*



**Жамиятнинг барча жабҳаларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш самарадорликни ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш имкониятини кенгайтиради. Бугунги кунга келиб, рақамли технологияларнинг барча соҳаларда фаол қўлланилиши хизмат секторининг ҳам тез суръатларда ривожланишига хизмат қиляпти. Мамлакатимизда аҳолига рақамли хизматлардан фойдаланиш учун қулай шароит яратиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2023 йил 24 майдаги “Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бунга яққол далил бўла олади.**

# МИЛЛИЙ СЕРТИФИКАТ ОЛИШ ТАРТИБИДА НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

Маълумки, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан абитуриентларга қўшимча имкониятлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 октябрдаги “Умумтаълим фанларини билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори асосида олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида имтиёз тақдим этувчи Миллий сертификат тест синовлари ўтказиб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, умумтаълим фанларини билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест синовларида иштирок этишга ариза бериш ва берилган сертификатларнинг электрон шаклини юклаб олиш борасида рақамли хизматларни кўрсатиш имкониятлари янада кенгайтирилди.

Эндиликда талабгор сертификат олиш мақсадида тест синовида қатнашиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали электрон шаклда ариза бериб, рўйхатдан ўтади. Талабгорга сўровнома расмийлаштирилганидан сўнг ваколатли орган томонидан ЯИДХП орқали тест синовидан ўтиш қоидалари тўғрисидаги эслатма берилади. Сўровномадаги ҳужжатлардан бошқа қўшимча ҳужжатлар талаб этилмайди.

Талабгор ҳақидаги маълумотлар тўғрилигига унинг ўзи шахсан жавобгар ҳисобланиб, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқаролари учун Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтишда имкониятлар яратилади. Шунингдек, 16 ёшга тўлмаган шахслар ID-карта ёки хорижга чиқиш паспорти орқали рўйхатга олиниши йўлга қўйилди.

Тест синови ўтказиладиган сана ва жой тўғрисидаги маълумот тест синови ўтказиладиган кундан камида етти кун олдин ЯИДХП орқали юборилади. Шунингдек, тест синовлари натижалари улар якунланган кундан бошлаб йигирма бир иш кунидан кечикмай, агентликнинг расмий веб-сайтида ҳамда ЯИДХП орқали эълон қилинади.

Сертификат бериш учун талабгордан ариза берилган кундаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баробари миқдорида тўлов ундирилади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, давлат хизмати кўрсатилиши учун рўйхатдан ЯИДХП орқали ўтилганда талабгордан белгиланган тўлов миқдорининг 90 фоизи ундирилиши белгиланди.

Бундан ташқари, яна бир муҳим қўшимча: “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган фуқароларга Миллий сертификат синовларида иштирок этиш учун белгиланган тўловнинг 50 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади.

Агар талабгорлар узрли сабабга кўра (касаллиги ёки оила аъзоларининг вафот этганини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этганда), тест синовларида қатнаша олмаган талабгор тест синови ўтказилган санадан беш иш кунидан кечикмай, ушбу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжатларни ЯИДХП орқали агентликка электрон шаклда тақдим этиши лозим.

Бунда талабгорга Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобварағига келиб тушган тўлов миқдори агентлик томонидан, бошқа ҳисобварақларга тақсимланган тўлов тўлиқ миқдорда ЯИДХП орқали қайтарилади. Агар талабгор тест синовига кечиккан ёки сабабсиз келмаган бўлса, талабгор томонидан амалга оширилган тўлов қайтариб берилмайди.

Тест синовлари натижалари бўйича тестология меъёрларининг бузилиш ҳолати аниқланса, агентликка тест синови натижаларини бекор қилиш ҳуқуқи берилди. Унга кўра, тест материаллари хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлаш қоидалари бузилса, талабгорлар томонидан тест материалларини олдиндан қўлга киритиш ҳолати аниқланса, шунингдек, тест синови натижалари таҳлилига кўра, тақсимот нормал тақсимотдан кескин фарқ қилса, тестология меъёрлари бузилган, деб ҳисобланади ва тест синови натижалари бекор қилинади. Бундай ҳолат фақат айрим ҳудудларда аниқланса, фақат ушбу ҳудудлардаги тест синовлари натижалари бекор қилинади. Бундай ҳолатларда талабгорларнинг хоҳишига кўра, амалга оширилган тўлов миқдори қайтарилади ёки қайта тест синовлари ташкил этилади.

Янги тартибга биноан, умумтаълим фанларини билиш даражасини аниқлаш бўйича A+, A, B+, B, C+, C даражали сертификатлар 3 йил муддатга берилади ва тест натижалари халқаро методика — Раш модели асосида ҳисобланади. Унга кўра, 70 баллдан юқори балл олган талабгорга A+ даража, 65-69,9 балл олган талабгорга A даража, 60-64,9 балл олган талабгорга B+ даража, 55-59,9 балл олган талабгорга B даража, 50-54,9 балл олган талабгорга C+ даража, 46-49,9 балл олган талабгорга эса C даражали сертификат берилади.

A+, A даражали сертификат олган абитуриентларга олий таълим муассасаси бакалавриатига ўқишга қабул қилиш бўйича тест синовларида ушбу фандан белгиланган максимал балл, B+, B, C+, C даражали сертификат олган абитуриентларга мос равишда сертификатдаги умумий баллга нисбатан фоиз асосида тест синовларида ушбу фандан белгиланган максимал баллга нисбатан табақалаштирилган (пропорционал) балл бериш жорий этилмоқда. Миллий сертификатга эга бўлган абитуриентга тегишли мажбурий фанлар бўйича белгиланган энг юқори балл берилади.

Шу ўринда кўплаб талабгорлардан берилаётган бир қатор саволларга ойдинлик киритиб кетсак. Яъни сертификат олиш учун балл пасайдими, сертификат тест синовларида 65 балл олганман, энди менга A даражали сертификат бериладими, Раш модели ўзи нима, бунда қандай имкониятлар яратилади, максимал баллга нисбатан табақалаштирилган (пропорционал) балл бериш тартиби қандай?



Бир сўз билан айтганда, балл пасайди, лекин тест натижалари халқаро методика — Раш модели асосида ҳисоблашга ўтказилди. Бунда 65 балл олган талабгорга A даражали сертификат берилади. Ўз навбатида, 46 балл олган талабгор C даражали сертификатга эга бўлади. Бунда максимал балл 75 баллга тўғри келади. Масалан, абитуриент математика фанидан 60-64,9 оралиғида балл билан B+ даража сертификат олган бўлса, унга мос равишда сертификатдаги умумий баллга нисбатан фоиз асосида тест синовларида ушбу фандан белгиланган максимал баллга нисбатан табақалаштирилган (пропорционал) балл берилади.

Тест натижалари халқаро методика — Раш модели асосида ҳисоблашга ўтказилгунга қадар сертификат олган (сертификатда натижалари 86 балл, 80 балл, 60 балл кўрсатилган) талабгорлар учун сертификатнинг амал қилиш муддати (3 йил) якунига етгунга қадар аввалги тартиб амал қилади.

Раш модели асосида натижалар ҳисобланиши бир неча муаммолар ҳал қилинишига сабаб бўлади. Масалан, стандартлик муаммоси, қобилият ва мураккаблик даражаларининг бир хил шкалада бўлиши таъминланади. Мураккаблик ва қобилият даражалари илмий асосланган ҳолда, инсон омилига боғлиқ бўлмасдан холисона баҳоланади. Баҳолашда тўғри жавоб берилган тест топшириқлари сонига нисбатан олинган фоиз ўрнига умумий синалувчиларнинг қобилият тақсимоти ишлатилади. Тест топшириқлари базаси калибровкаланган, баллар эса мураккаблик даражаси бўйича текисланган бўлади. Бу тест топшириқлари мураккаблик даражаси ва тест топшириқларини ечиш учун бериладиган вақт бўйича баҳс-мунозараларга чек қўяди (юқори даража олиш учун тест топшириқларининг барчасини ечиш шарти қўйилмайди). Тест топшириқлари сифатини ошириш учун тест натижаларини турли хил статистик усуллар билан таҳлил қилиш имкониятлари ошади.

Умумтаълим фанларини билиш даражасини баҳолаш бўйича миллий тест синовларини ўтказиш ва баҳолаш тартибига киритилган ўзгартириш ҳамда қўшимчалар талабгорлар учун унда иштирок этиш имкониятини кенгайтиради, уларнинг билимларини холисона баҳолашга хизмат қилади. Шунингдек, юртимизда таълим сифати ошишида муҳим роль ўйнайди.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистондаги музей, кутубхона, архив фондлар ва бошқа ташкилотларда 100 мингдан зиёд қадимий ёзма манбалар сақланади. Улар ичида қўлёзмалар, тарихий ҳужжатлар ва тошбосмалар бор.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 26 январь, 19-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Тарихимиз кўзгуси



# НУҚТАСИЗ ЁЗИЛГАН ҚЎЛЁЗМАЛАР

## ёхуд шонли ўтмишимиз паспорти ҳисобланмиш қадимий манбалар ҳақида

**Хусрав ҲАМИДОВ,**
*Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази катта илмий ходими, филология фанлари бўйича фалсафа доктори*



**Ҳар бир халқ ўз маданиятига эга. Уларнинг тафаккури, дунёқараши, билими ёзишмалар орқали бизгача етиб келган. Қадимий ёзма манбалар буюк тарихимизнинг кўзгусидир. Булар орқали улуғ аждодларимиз томонидан яратилган муҳташам адабиёт, санъат, маданият, илм-маърифат обидаси ҳақида кўп маълумотларга эга бўламиз.**

Президентимизнинг 2022 йил 10 февралдаги "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада катта воқеа бўлди. Ушбу қарор асосида Вазирлар Маҳкамасининг "Қадимий ёзма манбалар давлат реестри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ҳам 2022 йил 6 сентябрь куни эълон қилинди.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг устувор вазифаларидан бири қадимий ёзма манбалар давлат реестрини юритиш ҳисобланади. Давлат реестри музейлар, кутубхоналар ва архив фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларда сақланаётган қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тизимлаштириш ва назорат қилишга йўналтирилган. Бу қадимий ёзма манбалар 1950 йилга қадар яратилган асарларни қамраб олади, яъни улар таркибига ёзма ёдгорликлар, қўлёзмалар ва тошбосмалар киради.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистондаги музей, кутубхона, архив фондлар ва бошқа ташкилотларда 100 мингдан зиёд қадимий ёзма манбалар сақланади. Улар ичида қўлёзмалар, тарихий ҳужжатлар ва тошбосмалар бор. Шу жумладан, 40 мингдан кўпроқ манбаларни қўлёзмалар ташкил этади.

Марказий Осиё жаҳон тамаддунининг бешикларидан биридир. Шу боис, диёримизда ўтган асрлар давомида илмнинг турли соҳаларига оид асарлар ёзилган. Қуръон, ҳадис, фиқҳ илмларини ўрганиш баробарида тил, адабиёт, тасаввуф, фалсафа, мантиқ, тарих, математика, тиббиёт, санъат, геометрия, астрономия каби фанлар ҳақида буюк даҳоларимиз томонидан яратилган илмий асарлар жаҳон тамаддунига алоҳида улуш қўшиб келмоқда. Шунинг учун ўрта асрлар ҳақида гап кетганда, бизнинг авлодимиз ғурур билан аждодлар номини эслайди. Аммо уларнинг номлари билан ғурурланиш камлик қилади, балки муносиб авлод бўлиш учун улар яратган муҳташам илмий асарларни ўқиб, уқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш керак бўлади. Масалан, Ибн Синонинг 450 дан ортиқ асари бор. Аммо ушбу олимнинг бизгача етиб келган жами асарларини ўқиб чиққан кишиларни бармоқ билан ҳам санаш қийин. Бунинг сабаби шундаки, олимнинг асарлари турли фан соҳасига тегишли ва уларни ўқиб тушуниш учун чуқур билимга эга бўлиш керак.

Халқимиз ўтмишидан хабардор бўлиш, аждодларимиз тафаккури меросидан баҳра олиш учун қадимий ёзма манбалар кўприк вазифасини ўтайди. Улар бизни ўтган асрлар билан боғлайди. Ўша даврдан етиб келган ҳар бир манбанинг қадр-қиммати бугунги кунда ошиб бормоқда. Чунки инсон тафаккури маҳсули ҳеч қачон эскирмайди, аксинча, вақт ўтиши билан янгича жилоланади.

Қадимий ёзма манбаларни Давлат реестрига киритиш нафақат уларни йўқ бўлиб кетишдан сақланишга замин яратади, балки илмий изланувчилар учун дастлабки маълумотлар базаси сифатида ҳам хизмат қилади. Акс ҳолда, кўп асарлар қаерда сақланаётгани ҳақида маълумотга эга бўлолмаймиз.

Айни пайтда Ислом цивилизацияси маркази томонидан Давлат реестрининг 8 жилди нашрдан чиқди. Ҳар бир жилд мингта манбани қамраб олган. Яъни 8 минг қўлёзма ҳақида асосий маълумотлар базаси шакллантирилди. Бу жилдларга киритилган барча манбалар қўлёзмалардан иборат бўлиб, асосан, араб, форс ва эски ўзбек тилларида ёзилган. Кўп манбалар настаълиқ хатида кўчирилган, бунинг баробарида насх, сулс, шикаста каби хатларда ёзилган манбалар ҳам мавжуд. Ушбу манбалар, асосан, Қуръон, ҳадис, тажвид, фиқҳ, тарих, тасаввуф, география, адабиёт, грамматика, луғат, мантиқ, фалсафа, адабиётшунослик каби йўналишларга тегишли.



Манбалар турли даврларда котиблар томонидан кўчирилган. Лекин кузатишлар қўлимиздаги манбаларнинг аксар қисми айнан XIX асрда кўчирилганини кўрсатади. Бу эса, бир томондан, ўша даврда аждодларимизнинг илмий меросини кўчириб чиқиш учун бошқа даврларга нисбатан қизиқиш ортганини билдирса, иккинчи тарафдан, бизнинг давримизга яқин бўлгани боис, нисбатан кўпроқ манбалар етиб келганини исботлайди.

Бугунги кунда қўлёзмаларни асраб-авайлашга янги усуллар татбиқ қилинаётган бўлса-да, айрим жойлардаги манбаларнинг моддий-техник базасида камчиликлар кузатилади. Ўйлаймизки, Давлат реестрига киритиш баробарида ўша манбаларни реставрация қилиш ишлари ҳам йўлга қўйилиши бундай камчиликларни босқичма-босқич бартараф этишга замин ҳозирлайди. Бу борада Ислом цивилизацияси марказида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Манбалар ичида нуқтасиз ёзилган қўлёзмалар бармоқ билан санарли бўлса ҳам, ўша даврнинг ўзига хос ёзиш услубидан далолат беради. Биз бундай манбалар орқали ўрта аср олимларининг заковати даражаси ҳамда котибларнинг хат кўчириш маҳоратидан хабардор бўлишимиз мумкин. Бу усулда кўчирилган манбаларнинг айримлари мантиқ илмига тегишли. Асл аждоди бизнинг диёримиздан чиққан Мирзо Абдулқодир Бедилнинг девони Марказий Осиёда севиб ўқиларди. Бедилнинг ижоди ҳиндий услубида ёзилгани учун уни тушуниш қийин кечади. Бундан ташқари, Бедил девонлари, асосан, шикаста хатида кўчирилган эди. Шикаста хатини ҳамма ҳам ўқий олмасди. Буларга қўшимча тарзда Бедил девонлари шикаста хатида нуқтасиз ёзилганига гувоҳ бўламиз. Бундай матнларни ўқийдиган киши хат ўқишда ва матнларни тушунишда ўта уста бўлиши керак эди, акс ҳолда, бу каби манбаларни ўқиб тушуниш осон кечмасди. Шундай мураккаб ишларни уддалашда аруз вазнини билиш ҳам ёрдам беради. Ўқилиши қийин бўлган айрим сўзларни вазн орқали маъносини тушуниб ўқишга имкон пайдо бўларди.



Ҳаммага маълумки, ўтган асрларда бизнинг диёримизда навоийхонлик, бедилхонлик кечалари бўлиб турарди. Бундай адабий кечаларда машҳур шоирларнинг шеърлари ўқиларди, байтлари таҳлил қилинарди ва ҳар бир байтда камида иккита — зоҳирий ва ботиний маънолар юклатилгани аниқланарди. Манбалар ичида Алишер Навоий, Бедил девонлари каби асарларга кўп дуч келинишини айнан шулар билан изоҳлашимиз мумкин. Чунки илмий мўътабар манбалар қаторида номи юқорида зикр этилган шоирларнинг девонлари бошқа асарларга нисбатан кўпроқ кузатилади.

Давлат реестрига киритиш жараёнида ҳар бир манба ҳақида, асосан, қуйидаги маълумотлар киритилади: асар номи, муаллифи, хаттот, тили, мавзуси, нашр этилган ёки кўчирилган йили, ҳолати, ўлчамлари, инвентарь рақами, шакли, сақланиш жойи, манбага оид қўшимча маълумотлар. Булардан ташқари, муқованинг ҳолати ва ранги, қоғоз, хат тури ҳақида маълумотлар киритилади.

Айрим манбалар икки ёки уч тилда ёзилган. Масалан, битта қўлёзмада Алишер Навоийнинг "Арбаин"и баробарида Абдураҳмон Жомийнинг "Чиҳил ҳадис"и ва ҳадисларнинг асл варианти қоришма тарзда келтирилганини кўришимиз мумкин. Шунинг учун битта қўлёзма манбанинг тили ҳақида маълумот берганда учта тилни ҳам кўрсатиш лозим бўлади.

Манбаларни Давлат реестрига киритиш пайтида кўпроқ қуйидаги муаммоларга дуч келинади: асар номи йўқ ёки хато берилган, муаллифи ёзилмаган, кўчирилган йили ёзилмаган ёки иккита сана мавжуд, унвон ёки колофон қисми йўқ, пойгирлар қўйилмагани боис, титилиб кетган варақларни тартибга келтириш қийин кечади, мажмуа шаклидаги манбаларнинг фақат битта асарига маълумот берилган, бошқаларига бирор ишора ҳам йўқ.

Шунингдек, айрим манбаларнинг кўчирилган жойи ва йили унвон ёки колофон қисмида эмас, балки асарнинг ўртароғида берилади. Бунинг учун асарни бошидан охиригача кўриб чиқишга тўғри келади. Яна бир ҳолат, "Гулшани роз" номи билан асосий маълумоти тақдим этилган манба, аслида, бошқа асар экани маълум бўлди. Ҳолбуки, манбанинг биринчи бетида араб ёзувида "Гулшани роз" деб ёзилган эди. Маълумот сифатида айтиш лозимки, минг байтли ушбу асар Соҳибқирон Амир Темур севиб мутолаа қилган китоблардан ҳисобланади. Асарда тасаввуфий масалалар савол-жавоб тарзида ёзилгани учун қўлма-қўл юрар экан, қўлёзмалар ичидан кўп нусхалари чиқишига ҳам шу асос бўлса керак.

Диққатни ўзига тортадиган яна бир масала бор. Айрим асарларга шарҳ ёзилган, яна бошқа олимлар томонидан ўша шарҳга ҳошиялар битилган. Аммо манбада асосий асар муаллифига ишора қилинган, холос. Бу эса ҳар бир асарни синчиклаб кўриб чиқиб, ишонч ҳосил қилгандан кейин Давлат реестрига киритиш кераклигини талаб қилади. Шулар ҳисобидан баъзи ҳолатларда кўп вақт кетиб қолади.

Баёз (антология)ларда кўп шоирлар номи берилган, айримларида йўқ. Давлат реестрига киритилаётган баёз манбаларнинг ўзига хос усули шундан иборатки, уларда зуллисонайн шоирлар ижоди берилган ёки икки тилда ёзилган шеърлар саралаб олинган.

Ҳар бир манба ортида муаллиф хизматидан ташқари, котиблар меҳнати туради. Ёзма манбалар айнан шундай кишилар меҳнати эвазига бизгача етиб келган. Аммо ҳар бир ишда маълум даражада камчилик бўлиши табиий ҳол. Айрим асарларни кўчириш асносида камчиликларга йўл қўйилган ҳолатлар ҳам кузатилади. Бунинг баробарида, камчилиги бор нусхаларга тузатишлар киритган кишиларнинг иши таҳсинга лойиқ.

Мажмуа (тўплам) асарларининг айримлари турли мавзуларда ёзилган рисолалардан иборат. Уларнинг бир қисми 10-20 тадан кўп асарни ўз ичига қамраб олган. Аммо уларнинг таркибидаги рисолалар номи, муаллифи, кўчирилган йилини аниқлаш осон кечмайди. Чунки айрим тўпламлардаги матнлар бўялиб кетган, бетлари йиртилган ёки моғор босган бўлади. Унинг ичидаги ҳар бир рисола турли хат ёки турли қоғозда кўчирилгани ҳам кўзга ташланади. Мажмуалар таркибидаги асарлар айрим пайтда эътибордан четда қолиб кетмоқда. Ҳолбуки, улар таркибида ноёб рисолалар жамланади.

Ҳар бир қўлёзма асар тамаддунимиз тамал тошидек хизмат қилиб келмоқда. Бошқача қилиб айтганда, қадимий ёзма манбалар бизнинг шонли тарихимиз паспорти ҳисобланади. Шунинг учун уларни асраб-авайлаш, йўқолишдан сақлаш нафақат соҳа мутахассислари, балки бутун жамоатчиликнинг муҳим ишига айланиши лозим.

Қадрият

**Шу кунларда мактаб ўқувчилари ўртасида "Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари" спорт тадбирлари ўтказиляпти. Тадбирларга Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши томонидан старт берилди.**



*Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.*

# Халқ ўйинлари миллатимизга ёт бўлиб қолмасин

Бу давлатимиз раҳбари 2022 йил 25 май куни имзолаган "Этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор ва у билан тасдиқланган этноспорт турларини 2025 йилгача оммалаштириш ва ривожлантириш дастури амалда ўз ифодасини топаётганидан далолат. Зеро, мазкур дастур "Йўл харитаси"га кўра, 2023 йилдан бошлаб юртимизда этноспорт турлари бўйича уч босқичли мусобақалар, "Uzbekistan Ethno Games" республика фестивали, Хива шаҳрида ҳар икки йилда бир маротаба "Халқаро этноспорт фестивали" ва "Полвонлар сулоласи" каби танловларни ташкил этиш, шунингдек, миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича қатор вазифалар белгиланган.



Умумтаълим мактабларида ўтказилаётган спорт тадбирлари видеотасвирга олиниб, тегишли манзилга юборилади. Жамланган видеороликлардан энг қизиқарли миллий халқ ўйинлари саралаб олиниб, мактаб, туман (шаҳар), вилоят ҳамда республика босқичлари ташкил этилади. Наврўз умумхалқ байрами тадбирларида энг яхши халқ ўйинларидан фойдаланиш эса унинг нуфузини янада ошириши табиий. Шунингдек, бу ўқувчи ёшлар орасида этноспорт турлари оммавийлигини таъминлаш баробарида уларда давлат тадбирларида иштирок этиш учун миллий ўйинларимизни ўрганишга қизиқиш уйғотади. Аслини олганда ҳам "Миллий халқ ўйинлари — миллий ғурур" каби гўзал номлар берилаётган танловлар ёш авлодда чинакамига миллий ғурурни шакллантиришга хизмат қилиши керак.

Мактаб дарсликларида халқ ўйинлари ҳақида сўз юритилганда, ўқитувчиларнинг буни ўқувчиларга тушунтира билиш маҳорати муҳим ўрин тутади. Ўқитувчи дарсликдан ташқари бир оз изланса, "Алпомиш" достонидан халқ ўйинларини ўрганишда муҳим манба сифатида фойдалана олиш кераклигини англаб етади. Достонда кураш, от пойга, улоқ, найза санчиш, камондан ўқ отиш, қиличбозлик, мерганлик каби ўйинлар негизида жасурлик, жанговарлик, ориятлилик, матонат, маънавий ва жисмоний комиллик билан боғлиқ фазилатларни тарбиялаш бўйича халқ тажрибаси акс этганини яққол кўра оладиган ўқитувчилар талайгина. Улар Амир Темурнинг ҳар томонлама камол топишида ўйинлар катта роль ўйнаганини қизиқарли тарзда болаларга етказса, нур устига нур бўлади. Амир Темур болаликдан кураш, от ўйинлари, чавандозлик, найзабозлик, тош кўтариш, узоққа чопиш каби мусобақаларда қатнашиб, чиниққани, бу ўйин-машқлар кейинчалик Соҳибқиронга жуда асқатгани, хусусан, қўшин ҳарбий тайёргарлигида қўл келганини, айниқса, ўғил болалар яхши билиши керак.

Мавзуга доир манбаларни тўплаган ўқитувчи Навоийнинг инсон саломатлиги учун жисмоний маданият, бадантарбия ва халқ ўйинлари қанчалик зарурлиги ҳақидаги фикрларини ҳам мисоллар билан асослаб беради. Масалан, Фарҳод болалигидан ҳарбий машқларнинг ҳаммаси билан қизиқиб шуғулланганию нишонга аниқ теккизиш, яъни тийрандозлик, найзабозлик, қалқонбозлик каби машқ турларида барчани ҳайратга солгани ўқувчини ҳам қизиқтириши керак.

Навоий "Садди Искандарий" достонининг бош қаҳрамони ҳам ёшлигида тинмай от устида ўтириб, машқлар қилганини айтади. Аллома бир ғазалида ҳатто халқнинг азалий "Қовоқ" ўйинини таърифлагани ўқувчида унинг ғазалларига қизиқиш уйғотади. Осмонга отилган ёхуд баландга осиб қўйилган қовоққа ўқ узган, мўлжалга теккиза олган мерганларни буюк шоир ҳам олқишлайди. Уларнинг маҳоратига қойил қолган қуёш ҳам ўзини ўша қовоқ ўрнига қўйишга тайёрлигини бадиий ифода қилади. Дарсларда бу каби ўйинлар чамалаш, масофадан туриб аниқ нишонга олиш қобилиятини тарбиялашга ёрдам бергани ҳолда, яқин-яқинларгача ўзимизда мавжуд бўлган, ҳозирда жуда камайиб кетган ўйинлар ҳақида айтилиб, болалар билан айримлари бажариб кўрилса, улар ҳам халқ ўйинларига бир оз кўнгил бурармиди? Тўғри, бугунги болаларни ўзига ром этган телефон, компьютерлар бу борада тўсиқ бўлиши аниқ. Лекин қандай миллий ўйинларимиз бўлгани ва ҳозир ҳам қайсидир ҳудудларда сақланиб, ўйнаб келинаётгани ҳақида фарзандларимиз билиши керак-ку?!

Халқимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий ўйинлари кўп. "Кўзбойлоғич", "Тўптош", "Беркинмачоқ", "Хола-хола", "Ким топағон" каби номларни узоқ давом эттириш мумкинлиги қувонарли. Фақат уларни болаларимизга эшиттириб санасак, керак бўлса, бирга ўйнаб турсак, қани эди...

Мактабгача таълим ташкилотларининг аксариятида миллий ўйинлар ўйнатилмайди. Айниқса, нодавлат МТТларда баъзи тарбиячилар болалар мириқиб кўрадиган (аслида, тарбиявий аҳамияти паст бўлган) 1-2 та хориж мультфильмларини қўйиб бериш билан вақт ўтказаётгани сир эмас.

Буни бежиз айтаётганимиз йўқ. Кўплаб ота-оналардан "Болангиз боғчада қандай миллий ўйинларни ўйнар экан, ҳеч қизиққанмисиз?", деб сўраганимизда, деярли барчаси бу ҳақда билмаслиги, боласи боғчада ҳам, уйда ҳам мультфильм кўришини айтади. Ваҳоланки, бола тақлидчи бўлади, боғчада ўйнаган ўйинини уйда ҳам акаси ёки укаси, синглиси билан ўйнагиси келади. Нега болаларимиз "Беркинмачоқ", "Кўзбойлоғич", "Оқ теракми, кўк терак" ўйнамаяпти? Кўп қаватли уйлар олдида чуғурлаб юрган болалар олдига борсангиз, қўлларида телефон, нималарнидир муҳокама қилган, баҳслашган бўлиб чиқади. Эҳ, қани эди, телефонларга ҳам фольклоршунос Шомирза Турдимов айтганидек, миллий ўйинларимиз жойлаштирилса... Фарзандларимизнинг фикру ҳаёлини банд этаётган жангари ўйинлар ўрнини улар эгалласа...



Болаларимиз миллий ўйинларимизни билиши, уларни ўйнашга қизиқиши учун халқ ўйинларига ҳурматни, аввало, оиладан, боғчадан, мактабдан ва миллий байрамларимиздан бошлашимиз керак. Болалар телеканалларида миллий ўйинларимиз ҳақида туркум кўрсатувлар тайёрлаб, намойиш этиб боришимиз лозим. Зеро, ҳар қандай воқелик тасвир орқали онгга тезроқ етиб боради. Ўйлаймизки, бу ва юқорида саналган таклифлар юзасидан мутасаддилар тегишли хулосаларни чиқариб олади.

Биз эса кейинги мақолаларимизда миллий ўйинларимизни халқ орасида юриб, фидойиларча ёзиб олган, тўпламлар қилган фольклоршунослар, уларнинг бу жараёнлардаги жонбозликлари ҳақида маълумот беришни дилга тугдик.

**Муножат МЎМИНОВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Kolorpak" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 256.
8848 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** A2.
Баҳоси келишилган нархда.

"Kolorpak" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамқулов
Мусаҳҳиҳ: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 02:40 Топширилди — 03:10